



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2026 йил 10 май, № 94 (9265)

Яқшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҒАЛАБАНИНГ 81 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ТАДБИРЛАРДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8-9 май кунлари амалий ташриф билан Москвада бўлди.

Давлатимиз раҳбари 9 май куни Москва шаҳрида Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 81 йиллигига бағишланган тантанали тадбирларда иштирок этди.

Қизил майдонда Ғалаба паради бўлиб ўтди. Унда Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Лаос Президенти Тхонгун Сисулит, Малайзия Подшоҳи Султон Иброҳим ва бошқа хорижий делегациялар раҳбарлари ҳам қатнашди.

Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалаба миллионлаб инсонларнинг мислсиз жасорати, матонати ва фидойилиги эвасига қўлга киритилган буюк тарихий воқеадир. Бу умумий Ғалабада жангчилар ва фронт ортида чинакам қаҳрамонлик кўрсатган Ўзбекистоннинг қўп миллатли халқининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Уруш арафасида республикамиз аҳолиси 6 миллион нафардан зиёд эди. Синовли йилларда қарийб 2 миллион нафар ўзбекистонлик фронтга сафарбар этилди. Қонли жангларда 538 мингдан ортиқ юртдошимиз ҳалок бўлди, 158 мингдан зиёди бедарак йўқолди.

Жасорати, мардлиги ва ҳарбий маҳорати учун Ўзбекистоннинг 214 мингдан ортиқ аскар ва офицерлари жанговар ордени ва медаллар билан тақдирланди. 301 нафар юртдошимизга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди, яна 70 нафари “Шоң-шараф” орденининг тўлиқ кавалери бўлди.

Ўзбекистон халқининг фронт ортидаги фидокорона меҳнати ҳам Ғалабага улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Республикада фронтнинг ишончли таянчига айланиб, озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон, қурол-яроғ ва бошқа зарур маҳсулотларни етказиб берди. Қисқа муддатда Ўзбекистон ҳудудида 170 дан ортиқ эвакуация қилинган қорхоналар жойлаштирилди, мудофаа саноатининг барқарор ишлаши таъминланди.

Урушнинг оғир йилларида халқимиз ин-

сонпарварлик ва бағрикенгликнинг юксак намунасини кўрсатди. Фронтга яқин ҳудудлардан эвакуация қилинган 1,5 миллиондан ортиқ инсонлар, жумладан, 250 мингдан зиёд етим болалар Ўзбекистонда бошпана топди. Меҳр-оқибат, ғамхўрлик, ночорларга ёрдам қўлини чўзишга ҳамisha тайёрлик халқимизнинг маънавий куч-қудрати ва олийжаноблигининг ёрқин ифодаси бўлди.

Бугун мамлакатимизда уруш қаҳрамонлари ва фронт орти меҳнатқашларининг хотирасини абадийлаштириш, фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳрида барпо этилган мухташам “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси аждодлар кўрсатган қаҳрамонлик ва матонатга чуқур эҳтиром рамзига айланган.

Парад якунланганидан сўнг Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Президенти Владимир Путин ва бошқа етакчилар билан бирга Москвадаги Александр боғида жойлашган Номаълум аскар қабрига гул қўйди.

Ушбу ёдгорлик Ғалаба йўлида жон фидо қилган миллионлаб аскарлар, шу жумладан, Ўзбекистон фарзандлари хотирасига эҳтиром ифодаси бўлиб, Ватан ҳимоячиларининг матонати, қаҳрамонлиги ва фидойилиги рами ҳисобланади. Маросим бир дақиқалик сукут, фахрий қоровул ва ҳарбий оркестрнинг тантанали юриши билан якунланди.

Давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Словакия Бош вазири Роберт Фитсо, Малайзия Подшоҳи Султон Иброҳим ва Лаос Президенти Тхонгун Сисулит билан ҳам суҳбатлар ўтказди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига амалий ташрифи якунланди.

Ўз.А.



Мамлакатимизда Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 81 йиллиги кенг нишонланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига йўллаган табиғий байрам шуқуҳини янада оширди.

### Шуқуҳ

Табрикда таъкидланганидек, ушбу унутилмас кунда, аввало, жанг майдонларида тенгсиз жасорат кўрсатиб, инсониятнинг фашизм балосидан халос этишга муносиб ҳисса қўшган қаҳрамон ота-боболаримизнинг сўнмас хотираси олдида бош эгиб таъзим қиламиз. Бугунги кунда орамизда соғ-омон яшаб келаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, нуроний отахон ва онахонларимизга юксак эҳтиромимизни исхор этамиз.

Муствақиллик йилларида Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини сақлаш, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш йўлида мардларча ҳалок бўлган азму шишоатли ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотирасини меҳр ва ҳурмат билан ёдга оламиз.

Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуглаш, хусусан, уруш ва меҳнат фахрийлари, кекса авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг соғлом ва мазмунли ҳаёт кечирishiлари учун зарур шароитлар яратишга қаратилган ишлар намоён. Бу ҳақда сўз юритганда, жорий йилда байрам муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 30 млн. сўм миқдорда пул мукофотлари берилганини таъкидлаш лозим. Уруш қатнашчилари ва ногиронлари, меҳнат фахрийларининг саломатлигини муҳофаза қилиш, уларни санаторийлар, дам олиш масканларига бепул ва имтиёзли асосда юбориш бўйича самарали тизим фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу мунаввар айём кунларида жойлардаги ҳокимликлар, жамоатчилик ва ёшлар вакиллари

уруш ва меҳнат фахрийлари, муствақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларининг ҳолидан хабар олинмоқда, уларга юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишмоқда.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида сана муносабати билан қатор тадбирлар ўтказилди. Нукус шаҳридаги “Мотамсаро она” ёдгорлиги майдонида ташкил этилган хотира тадбирида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбийлар, нуронийлар, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик қатнашди.

Тадбир иштирокчилари ёдгорлик пойига гулчамбар қўйиб, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Шунингдек, Қароқул Кучлар тизимида қирувчи тузилмалар, турли идора ва ташкилотлар вакиллари ҳамда ёшлар томонидан ёдгорлик пойига гуллар қўйилди.

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан уруш қатнашчиси Мария Карнишина хонадонидан ҳам бўлиниб, фахрий ҳолидан

хабар олинди. 1929 йилда Украинада туғилган Мария Ивановна 1944 йилда армия сафига қақирилиб, 1094-сонли эвакуация ҳарбий госпиталида хизмат қилган. У жангларда жароҳат олган ҳарбийларга тиббий ёрдам кўрсатиб, ғалабага муносиб ҳисса қўшган.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси Аманбай Оринбаев уруш қатнашчиси билан суҳбатлашиб, уни 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Ғалабанинг 81 йиллиги билан самимий табриклади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг байрам табиғи ўқиб ашиттирилди.

Учрашувда фронтда ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар, юртимиз тарлақийти йўлида хизмат қилган нуронийларнинг ҳаёт йўли ва матонати ҳар доим эъзозланиши таъкидланди.

Президентимиз топшириғи асосида Мария Карнишинага 30 млн. сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти ҳамда қимматбахо совғалар топширилди.

3

Қиролича Ража Зарита СОФИЯ:

## Юксак меҳмондўстлик ва ёрқин таассуротларга бой саёҳат учун раҳмат, Ўзбекистон!

Мамлакатимизга ташриф буюрган Малайзия Қироличаси Ража Зарита София ўзининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида Ўзбекистонга сафари давомида ўзбек халқи томонидан кўрсатилган самимий қабул, юксак меҳмондўстлик, ёрқин ва унутилмас таассуротларга бой саёҳат учун миннатдорлик мактубини эълон қилди.

### Дунё нигоҳи

“...Малайзияга Ўзбекистон ҳақидаги аjoyиб хотиралар билан қайтмоқдаман. Бу ерда учратган ҳар бир инсон бизга дўстона муносабатда бўлди, самимийлик ва юксак меҳмондўстлик намоён этди.

Мен саёҳат қилган айрим мамлакатларга нисбатан шаҳарлар жуда тоза экани эътиборимни тортди. Ҳамма жойда гўзал гуллар экилиб, одамлар сайр қилиши учун боғлар барпо этилган.

Тошкентдаги эсдалик совғалари дўконлари ҳақиқий санъат асарларини намоиш қилади. Нозик ўйилган ёғоч қутилардан тортиб мураккаб нақшлар билан безатилган буюмларгача — барчаси юксак маҳорат намунаси. Дўконларда, шунингдек, ёрқин кашталар билан безатилган шарфлар, куртка ва узун халатлар ҳам бисёр.

Ўзбекистондаги Ислоом цивилизацияси марказига ташриф менда унутилмас таассурот қолдирди. Қани энди барча кўргазмаларни томоша қилиш учун янада кўпроқ вақт бўлса эди. Марказ исломнинг олтин асрида яшаган мусулмон олимларининг улкан илм-маърифатини ўзида мужассам этган.

Самарқанддаги Регистон майдонида жойлашган учта мухташам иншоотнинг гўзаллиги мени ҳайратга солди. Масжид ва мадрасаларнинг ташқи ҳамда ички кўриниши ниҳоятда бетакрор.

Мен рассомликдан бироз хабардорман ва шуни айта оламани, ушбу биноларни барпо этган хунармандларнинг маҳорати ва истеъдоди ҳар қандай инсонни лол қолдиради.

4

### Сенатор ва ёшлар

## Ёшларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини кучайтиришга эътибор

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ташаббуси билан Тошкент давлат аграр университетига “Сенатор ва ёшлар” учрашуви ташкил этилди. Унда қироличлар, талабалар, ёш олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.



Учрашувда ёшларни қизиқтирётган долзарб масалалар, аграр

соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўналишида олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Сенаторлар ёшларнинг фикр ва ташаббусларига алоҳида эътибор қаратиб, уларнинг сарфайида жавоб берди ҳамда тақлифлари юзасидан атрафли-

ча фикр алмашди. Шунингдек, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг илмий ва инновацион ғояларини рўйбга чиқариш учун яратилаётган имкониятлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Мулоқотда ёшлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, имтиёзли кредитлар ажратиш, инновацион ғояларни молиявий қўллаб-қувватлаш масалалари, шунингдек, “Ёшлар бизнеси”, “Келажакка қадам” ва “Келажак тадбиркори” дастурлари доирасида амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам сўз юритилди.

2

Ўзбекистон ва ЖСТ:

## СТРАТЕГИК ТАНЛОВ ВА ИСЛОХОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ

Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га аъзо бўлиши мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичидаги муҳим йўналишлардан бири саналади.

### Муносабат

Бинобарин, ЖСТга аъзо бўлиш иқтисодий модернизация қилиш, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш, тадбиркорлик учун янада қулай шароит яратиш ва давлат томонидан тартибга солиш сифатини оширишга қаратилган изчил сиёсатнинг мантиқий давомидир.



Мазкур жараён янги имкониятлар билан бирга давлат институтларини, қонунчиликни, бизнес муҳитини яна-

да такомиллаштириш, шунингдек, тегишли мутахассислар тайёрлашга юқори талабларни ҳам қўяди. Шу боис бу борада пухта ёндашув зарур.

Шу нуктага назардан, Президентимизнинг Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши борасида 2025 йилда амалга оширилган ишлар ва ушбу жараённи жадаллаштириш бўйича галдаги вазифаларга бағишланган тақдирот билан танишуви алоҳида аҳамиятга эга.

2

12 май — «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси очилган кун

## МИЛЛАТ РУҲИ БАРҲАЁТЛИГИ ТИМСОЛИ

Бундан йигирма олти йил аввал Тошкентнинг Юнусобод туманидаги Бўзсув канали қирғоғида қад ростлаган “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси тантанали равишда очилган. Бу маскан нафақат тарихий ёдгорлик, балки халқимиз талпинадиган табаррук зияратгоҳга, ёш авлод қалбида ватанпарварлик туйғуларини уйғотувчи маърифат масканига айланди.



Мажмуа уч қисмдан иборат бўлиб, марказида жойлашган Ротонда унинг энг муҳим рамзий обидаси ҳисобланади. Баландлиги 27 метрлик иншоот мовий қовурғали гумбаз билан ёпилган. Ички қисми нафис ганч ўймакорлиги ва муқарнаслар билан безатилган.

Ротонданинг марказида, мрамар пол устида нефритдан ишланган рамзий қабр (сағана) жойлашган. Унда араб, инглиз ва ўзбек тилларида: “Ватан озолиғи йўлида шайхид кетганлар хотираси мангу барҳаётдир” деган жумлалар ёзилган. Бу ерда ҳеч ким дафн этилмаган, бироқ у Ватан истиқлоли учун жон фидо қилган, аммо қабри қаердалиги номаълум минглаб ватандошларимизнинг рамзий қабри ҳисобланади.

Фавворалар мажмуанинг кириш қисмидан бошлаб, то марказий Ротондагача бўлган йўлак бўйлаб чўзилган. Замонавий ёритиш тизимлари ўрнатилгани сабабли кечки пайт фавворалар мажмуага алоҳида шуқуҳ бағишлайди.

Бугунги кунда мажмуа худудидан ўтувчи Бўзсув канали қирғоқлари ободонлаштирилган. Эски, ваҳимали “Ал-васти кўприк” ўрнида эндиликда замонавий ва гўзал кўприк қад ростлаган.

4





# МАТОНАТ ВА ЖАСОРАТГА МАНГУ ЭҲТИРОМ

Юртимизда Иккинчи жаҳон уруши талафотларидан жабр кўрмаган, киргинбарот жангларида яқинларидан айрилмаган хонадон, оила кам топилади. Уруш йилларида **Хоразм вилоятидан**

— Яратганга шукр, бугун юртимизда ана шу икки масалага жуда катта эътибор қаратилмоқда. Биз, уруш қатнашчилари ва фахрийларига давлатимиз томонидан нимаики зарур бўлса, муҳайё этиляпти. Бундай эъти-

лаш йўлида фидокорона меҳнат қилди. Бугун вилоятда бир нафара Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва 500 дан ортиқ фронт орти меҳнат фахрийлари истиқомат қилмоқда. Улар халқимизнинг тирик тарихи, матонат ва сабр-бардош тимсолидир. Уларнинг ҳаёт йўли ёш авлод учун ҳақиқий ибрат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

Сана муносабати билан вилоят туманларида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, нурунийлар ҳамда ёшлар иштирокида ўтказилган тадбирларда “Мотамсаро она” ёдгорлиги пойига гулчамбарлар кўйилиб, уруш қурбонлари хотирасига ҳурмат бажо келтирилди.

Хусусан, Денов туманида ўтказилган тадбирда сўзга чиққанлар уруш йилларида деновлик мард ўғлонлар фронтда жасорат кўрсатгани, фронт ортидаги меҳнаткаш инсонлар эса галаба учун бор куч ва имкониётларини сафарбар этганини алоҳида таъкидлашди. Тинчлик ва оқоилликнинг қадри, Ватанга садоқат ва миллий бирлик каби туйғулар бугун ҳар қачондан ҳам муҳим аҳамият касб этаётгани айтиildi.

Шу кунни жойларда кекса авлод вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинди. Уларга ҳурмат-эҳтиром ва эътибор кўрсатилди. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Сур-

гишли масъулларга аниқ вазифалар юклатилди. Мазкур тадбир инсон қадри, меҳроқибат ва бағрикенглик тамойиллари ҳаётиимизда устувор аҳамият касб этаётганининг яна бир амалий ифодаси бўлди.

**Жиззах вилоятида** ҳам 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Галабанинг 81 йиллиги кенг нишонланди.

Шароф Рашидов туманида бўлиб ўтган тадбирда иштирокчилар томонидан “Мотамсаро она” ёдгорлиги пойига ҳамда давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов бюсти олдида гулчамбарлар кўйилди ҳамда марҳумлар хотирасига ҳурмат бажо келтирилди.

— Хотира — муқаддас, қадр эса улуг неъмат. Бугунги дорилламон кунларга етиб келганимиз, юртимиздаги оқоиллик ва тўқинлик биздек кексалар учун энг катта бахтир, — дейди “Нуруний” жамғармаси Шароф Рашидов тумани бўлими раиси, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони соҳиби Парда Шуқуров. — Орамиздан ўтган фидойи инсонларни ёд этиш, уларнинг ибратли умр йўлларини ёшларга сўзлаб бериш — бизнинг бурчимиз.

Айни кунларда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида байрам муносабати билан маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар кўтаринки руҳда ўтказилиб, кўчалар, қабристонлар ва уйлар атрофида ободонлаштириш ва тозалаш ишлари олиб борилмоқда.

**Наманган вилоятида** меҳнат fronti фахрийларини эъзозлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиш ва муносиб ҳурмат кўрсатишга қаратилган тадбирлар ташкил этилди.

Бугунги кунда Наманган туманида 8 нафар меҳнат fronti фахрийси истиқомат қилмоқда. Уларга вилоят ҳокимлиги ҳамда “Нуруний” жамғармаси томонидан моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда.

**Фарғона вилоятида** ҳам сана муносабати билан қатор тадбирлар ўтказилди. Хусусан, Фарғона шаҳридаги “Ватанпарварлар боғи”да жойлашган “Мотамсаро она” ёдгорлиги пойига гул кўйилиб, аждодлар хотирасига эҳтиром ҳамда фахрийларга юксак эътибор кўрсатилди.

Тантанали тадбирда Фарғона вилояти ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёшлар, ҳарбийлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Файзли ва ораста хиёбон бўйлаб ҳарбий оркестр садолари жаранг сочиб, бугунги

мос тарзда бунёд этилган мажмуа барчамизни уруш даҳшатларини унутмасликка чорлайди, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши раиси Эркинжон Нуралиев. — Бу ердаги ҳар бир манзара янги авлодга ота-боболаримизнинг галабага кўнган улкан ҳиссасини аниқлаб туради. Хотира дафтаридаги ёзувларни ўқиб, ўша машъум йилларда Ватан учун жонини қурбон қилган минглаб мард ва жасур ўғлонларни эсга оламиз. Шу маънода, мазкур обида урушда халқимиз бошига тушган азоб-қувватлар ва беқийс йўқотишларни яққол ифода-лаб, элу урт тинчлиги ҳамда келажаги йўлидаги қаҳрамонлик ҳеч қачон унутилмаслигини алоҳида алоҳида беради.

Байрам тантаналарида ҳам бўлган ҳамюртларимиз бугунги дорилламон кунларга шуқрона айтиб, аждодларимиз руҳига ҳурмат бажо келтирди.

Шунингдек, сана муносабати билан уруш қатнашчилари, фронт орти меҳнат фахрийларининг ҳолидан хабар олинди. Уларга юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилди.

Бугунги кунда Фарғона вилоятида беш нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва уларга тенглаштирилган фронт орти фахрийлари умргузаронлик қилмоқда.

Тошлоқ туманининг “Шодлик” МФЙда истиқомат қилувчи Одижон Зокиров, Ўзбекистон туманининг “Катта қайнар” МФЙда яшовчи Усмонжон Раҳимов урушнинг икки тирик афсонасидир. Табаррук хонадонларида Фарғона вилояти ҳокимлиги фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари, Шарқий ҳарбий округ кўшнларини кўмондонлиги, мудофаа, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарлари, нурунийлар ҳамда ёш авлод вакиллари иштирокида тантанали байрам тадбирлари уюштирилди.

Тадбирда Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров қатнашиб, уруш қаҳрамонларига Президентимизнинг табригини ўқиб эшиттирди, уларга совға-саломлар ва пул мукофотлари топширилди.

Шунингдек, вилоят ҳокими Фарғона шаҳрида яшовчи, урушнинг оғир синовларини бошидан кечирган Фатима Шарипова, Вера Валсева ҳамда Лариса Шарова хонадонларида ҳам бўлиб, уларга давлатимиз раҳбарининг байрам табриги, совғалари ва пул мукофотини етказди.

— 18 ёшдада урушга кетиб, Германияга бугун йўлни босиб ўтдим, япон урушида қатнашдим ва 1948 йили уйга қайтдим, — дейди Усмонжон Раҳимов. — Урушдан кейин узок йиллар темир йўл соҳасида ишладим. Турмуш урғоғим билан 6 нафар фарзандни волега етказдим. Хозирда 100 нафардан зиёд набира, чевара ва эваралар ардоғида яшаётган. Бундай юксак эҳтиром учун Президентимиз, халқимиздан чексиз миннатдорим.

**Пойтахтимизда** ҳам 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини ҳамда Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган буёқ Галабанинг 81 йиллик байрами кўтаринки руҳда нишонланди.

Жойларда ўтказилган “уч авлод учрашувлари”, ҳарбий-ватанпарварлик тадбирлари, ёшлар билан мулоқотлар тарихий хотира ва миллий гуруҳ туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Сана муносабати билан “Янги Ўзбекистон” боғида байрам мушакбозлиги уюштирилди.

Мудофаа вазирлигининг “Telegram” каналда тўғридан-тўғри Эфир йўлга қўйилиб, юртимизнинг барча ҳудудларида фуқаролар шуқуқли ушбу тадбирини онлайн тарзда кузатиш имкониятига эга бўлди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.



67 минг 300 нафар мард йигит елкамаелка туриб жанг қилган бўлса, шулардан атиги 21 минг нафардан ортиғи юртимизга эсон-омон қайтиб келишган. Бугунги кунда вилоятда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан атиги 3 нафари ҳаёт. Бир асрлик тарихнинг жонли ғувоҳи бўлган бу табаррук нурунийлар давлатимизнинг доимий эътибори ва эъзозиди.

Вилоят ҳокими Жўрабек Раҳимов байрам муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари — ҳазораслик Бекчон Матназаров, кўшқўрлик Вафо Искандаров ва гурланлик Бобожон Мадаминов хонадонига бўлиб, уларга Президентимизнинг 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан йўллаган табригини ўқиб эшиттирди, 30 млн. сўм миқдоридagi пул мукофоти ҳамда қимматбаҳо совғаларни топширди. Юз ёшдан ошиб, ҳаётнинг барча аччиқ-чучугини тотган бу табаррук нурунийлар бундай эътибор учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдириб, юртимизнинг тинчлиги, халқимизнинг фаровонлигини тилаб, дуога қўл очди.

— Яратганга шукр, бу йил 100 баҳорни кутиб олдим, — дейди Кўшқўр туманида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Вафо Искандаров. — Афсус, сафдошларимизнинг кўпчилиги бу кунларга етиб кела олмади. Бу ёрғу оламини тарк этган қуролдошларимиз хотираси олдида таъзимдаман, ҳаёт бўлган сафдошларимизга эса танисиҳатлик тилайман. Президентимизнинг биз, уруш фахрийларига эътибори ва ғамхўрлигидан жуда мамнунимиз!

**Самарқанд вилояти** ҳокимлиги, Марказий ҳарбий округ кўмондонлиги, куч тузилмалари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида Самарқанд шаҳридаги Хотира майдонига жойлашган “Мотамсаро она” ёдгорлиги пойига гулчамбар кўйиш маросими бўлиб ўтди. Тадбир давомида халқимизнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўрсатган жасорати ва фидойилиги ёд этилиб, урушда ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат билан тилга олинди.

Инсонни учун жуда катта азоб-қувбатларга сабаб бўлган Иккинчи жаҳон урушида 152 мингдан ортиқ самарқандликлар қатнашган. Уларнинг 73 минг нафарига она юртига қайтиб келиш nasib этмади.

Сана муносабати билан уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари хонадонларига йўқовлар уюштирилиб, уларга яна бир қарра иззат-икром кўрсатилди.

Вилоят ҳокими Адиз Бобоев, “Нуруний” жамғармаси вилоят бўлими, Марказий ҳарбий округ кўмондонлиги ва вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси вакиллари Самарқанд тумани Саховат маҳалласида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Аҳад Очилов хонадонига ташир буюрди. Фахрий отахонга Президентимиз йўллаган табрик ўқиб эшиттирилиб, совғалар топширилди.

— Инсон учун энг катта бойлик — тинчлик ва сиҳат-саломатлик, — дейди Аҳад Очилов.

бор ва ғамхўрликдан бошимиз кўкка етади. Байрамларда совға-саломлар йўллайдиган Президентимиздан, йўқлаб келадиган раҳ-



барлардан миннатдоримиз. Шундан сўнг вилоят ҳокими ва фаоллар Самарқанд шаҳри Бешчирок ва Панжоб маҳаллаларида истиқомат қилувчи фронт орти фахрийлари — Маҳбуба Рустамова ҳамда Туфа Ибрагимова хонадонига ташир буюриб, улар билан дилдан сўхбатлашди.

Шунингдек, вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида санага бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиляпти. Уруш қатнашчилари ва фронт орти меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинди, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда.

**Қашқадарь вилояти** Қасби туманидаги 26-умумтаълим мактабида таниқли меҳнат фахрийси Эсонбой Ражабов хотирасига бағишланган музей очилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда вилоят, туман ҳокимлиги масъуллари, Эсонбой Ражабовнинг яқинлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Эсонбой Ражабов фаолиятининг кўп йиллари касаба уюшмалари тизимида кечди. 2020 йилдан то умрининг охиригача, яъни 2024 йилгача Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарь вилояти кенгаши раисининг маслаҳатчиси сифатида фаолият олиб борди.

Тадбирда фахрийнинг босиб ўтган шарафли ҳаёт йўли ёдга олинди, амалга оширган эзгу ишлари эсланди. Иштирокчилар музейдан ўрин олган экспонатлар билан танишишди.

**Сурхондарь вилоятида** ҳам 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини ҳар йилгидек юксак эҳтиром билан нишонланди.

Иккинчи жаҳон уруши халқимиз бошига мислсиз қулфат ва йўқотишлар олиб келган оғир синов бўлгани тарихдан маълум. Уруш йилларида Сурхондарьдан 53 минг 360 нафардан ортиқ юртдошларимиз фронтга сафарбар этилган. Уларнинг 11 минг нафари жанг майдонларида ҳалок бўлди. Омон қайтганлар эса урушдан кейинги йилларда юртни тиклаш, халқ турмушини яхши-

хондарё вилояти бошқармаси бошлиғи Муҳаммад Тағоев бошичилигидаги фаоллар ҳам Термиз шаҳрида яшовчи Афғон уруши қатнашчиси, 1-гурӯх ногирони Таир Мазитов,



меҳнат фахрийлари — Нина Попова ҳамда Зулхумор Тўрақуллова хонадонига бўлди.

Таир Мазитов сўхбат давомида урушнинг суронли хотираларини, меҳмонларга сўзлаб берди. Отахон оғир ва қийин дамларни эсга олар экан, бугунги тинч-осойишта, фаровон ва тўқин ҳаётнинг қадрига етиш керак, деган фикрларини билдирди.

Шунингдек, Президентимиз томонидан кексаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган ҳурмат ва эътибордан мамнун эканини самимият билан қайд этди.

Ташриф давомида фуқароларга қундалик эҳтиёж учун зарур озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилиб, уларнинг яшаш шароити, саломатлиги, ижтимоий аҳоли ва турмушдаги эҳтиёжлари атрофида ўрганилди, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича те-

тинч-осойишта ва фаровон ҳаёт шуқуқини намоён қилди.

— Халқимизнинг миллий қадриятларига

## ШОНЛИ ТАРИХ УНУТИЛМАЙДИ

Ҳар йили Хотира ва Қадрлаш кунини яқинлашганда мамлакатимизда ўзгача шуқуқ ҳукм суради. Чунки ҳар бир оилада Иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ оғриқли хотиралар бор. Бизнинг хонадонда ҳам бу сана алоҳида аҳамиятга эга. Бу кунни биз бобомнинг акиси, машъум урушнинг дастлабки қурбонларидан бири бўлган Вали Сайдалиевни ёд этамиз.

### Хотира — муқаддас

Бобомнинг хотираларига кўра, акиси ҳарбий хизматга 1939 йилнинг 18 октябрида кетган. Ва бу кун бобомнинг болалик хотирасида муҳрланган қолган. Онани Сабурга ая ўғлини хизматга кузатар экан: “Ўғлим, сени

кузатгани вокзалга бора олмайман. Шу ёрнинг ўзида хайрлашиб қоламан. Ой бориб, омон қайт!” деган. Ўғли онасини кучиб: “Ойи, мен, албатта, қайтиб келаман!” деган. Лекин она учун фарзандини яна

бир бор кўриш армон бўлиб қолди.

1941 йилнинг 22 июни — урушнинг илк кунини Литваннинг Алитус шаҳри ҳимояси учун олиб борилган қақшатқич жангларида Вали Сайдалиев қаҳрамонларча ҳалок бўлади. Мазкур жанг ўта шиддатли ва аёвсиз бўлгани ҳар икки томон кўмондонларининг хотираларида ҳам қайд этилган. Эрта тонгда авиация ҳужуми ва артиллериянинг тўхтовсиз зарбаларидан кейин фашист босқинчилари катта сержант Вали Сайдалиев хизмат қилаётган Болтиқбўйи ҳарбий округи 11-армиясининг 5-танк дивизияси мудофаа позицияларига

танклар, БТРлар, мотоциклларда мўр-маллаҳдек ёпирилади. Ўн қарра устунликка эга душман билан шифқатсиз тўқнашув таҳминан қирқ дақиқача давом этади. Шу қисқа вақт давомида босқинчилар 90 га яқин ҳарбий техника ва бир неча юз аскар ҳамда офицерларидан айрилади. Ҳужумлар ортидан ҳужумлар уюштирилади. Лекин бизнинг жангчилар мислсиз қаҳрамонлик кўрсатиб, бир қадам ҳам ортга чекинмайди. Шунда фашистларнинг “Шимол” кўшинларига тегишли энг сара танк гуруҳи фронтни ёриб ўтишга муваффақ бўлади ва натижада 5-танк

дивизиясини қуршовга олиб, қаттиқ қаршиликка қарамай тор-мор келтиради...

Бобомнинг айтишича, 1941 йил 22 июнь кунини почта аксининг хатини олиб келиб ўқиб бергани бир умр эсида қолган. Мақтубда Вали Сайдалиев Германия ўз кўшинларини чегарага тўплаётгани ҳақида ёзиб, “Немис билан уруш бўлиб қолса керак, деб ўйлайман!” деган. Бу мақтуб унинг охириги мақтуби бўлиб, бошқа хат олишмаган.

Вали Сайдалиев бор-йўғи йигирма йил умр кўрди. Лекин Сайдали ота ва Сабурга ая умрларининг сўнгги лаҳзасигача умид билан яшади. 1943 йилда туман ҳарбий комиссариатидан келган офицерлар чол ва кампирга: “Бобомнингизни йўқотганингиз учун сизга

нафақа тайинлаймиз!” деганида, Сайдали ота: “Мен ўғлимнинг хунини пулга сотмайман! Қўлимда куч-қувват бор экан, ўзимни ўзим боқа оламан!” деб нафақадан воз кечган экан. Мана, сизга ўзбекининг орияти! Бундай инсонлар юртимизда минглаб бўлган ва шуни уруш учун ҳам халқимиз бу улкан муҳорабада галаба қозонган.

Бизнинг оилада мана шундай муқаддас хотиралар бор. Менга бу ҳақда бобом ва отам айтиб берган бўлишса, мен, ўз навбатида, уларни фарзандларимга етказаман. Чунки Янги Ўзбекистонни кураётган ёшлар аждодларимизнинг шонли тарихини билиши керак.

Дилшод САЙДАЛИЕВ, Ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчиси.

# МИЛЛАТ РУҲИ БАРҶАЁТЛИГИ ТИМСОЛИ



— Бу мажмуанинг очи-лиши тарихий адолатнинг тикланиши эди, — дейди “Қатагон қурбонлари хотираси” давлат музейи экспозиция бўлими бошлиғи, тарих фанлари номзоди Азизахон Ахророва. — Узоқ йиллар номларини айтиш таққиланган, қабрлари номаълум минглаб ватандошларимиз мана шу ерда ўз рамзий маконларини топди. Мажмуанинг юраги ҳисобланган “Қатагон қурбонлари хотираси” давлат музейи ўша кезлари бор-йўғи битта кўргазма залидан иборат эди.

Бироқ вақт ўтиши билан тарихнинг очилмаган саҳифалари, чанг босиб ётган архив ҳужжатлари ва миллат оидинларининг тарихига оид янги фактлар юзага чиқа бошлади. 2008 йилда музей биносига яна иккита зал қўшилиб, экспозициялар кўлами кенгайтирилди. “Шаҳидлар хотираси” мажмуаси шунчаки ёдгорлик эмас, балки тарихнинг оғир хотиралари ва бугунги куннинг сокин нафасига ташанг муқаддас қадамжодир. — Биз шлигимизда бу ерлардан кўрқиб ўтардик, — дейди “Ну-

роний” жамғармаси Нурафшон шаҳри бўлими бошлиғи, меҳнат фахрийси Жўра Аҳмедқулов. — Бугун эса ободонлаштирилиб, зиёратгоҳга айлантирилган ушбу масканга невараларим билан келаман. Уларга озодлик осонликча келмаганини, бу гўзал боғлар замирида қанчадан-қанча аждодларимиз армонлари ётганини сўзлаб бераман. Ўзим ҳозирги Нурафшон шаҳридаги 4-мактабда ўқиганман. 1938 йилда физика ўқитувчимиз

ҳам сургун қилиниб, ўн йилдан кейин қайтиб келган. Бироқ унга ўз туғилиб ўсган шаҳри Тошкентда яшашга рўхсат беришмасдан Тўйтепага юборилган. Ўқитувчимизнинг бутун умри қувгин ва назорат остида ўтди. Ҳар йили 12 майда мажмуага келиб, минглаб қатагон қурбонларининг руҳига дуо қиламан.

Айнан мана шу тарихий теранлик ва маънавий муҳит бугунги ёшлар учун катта тарбиявий аҳами-



Адиба УМИРОВА («Халқ сўзи»).

Қиролича Ража Зарита СОФИЯ:

## ЮКСАК МЕҲМОНДЎСТЛИК ВА ЁРҚИН ТААССУРОТЛАРГА БОЙ САЁҲАТ УЧУН РАҲМАТ, ЎЗБЕКИСТОН!

Имом Бухорий мажмуаси ҳам ўзбек халқининг бой мероси, юксак маҳорати ва анъаналарини яна бир бор намоён этди. Айниқса, уйма ёғоч устунлар менда катта таассурот қолдирди.

Ислом оламининг энг буюк олимларидан бири макбарасида бўлиш мен учун қадрли ва унутилмас лаҳзалардан бири бўлди.

Интерфаол визуалларга эга музей бизга ушбу буюк олим, унинг ақл-заковати, исломга бўлган муҳаббати ва илм излаб ислом оламининг кўнлаб марказларига қилган сафарлари ҳақида кенг маълумот берди.

Биз барчамиз у ҳақда ўқиганмиз — унинг ҳадислар тўлаими бугунги кунгача бутун муслмон олами учун муҳим манба ва йўл-йўриқ бўлиб хизмат қилмоқда.

Инша Аллоҳ, Яратганнинг марҳамати билан келгусида оилами ҳам Ўзбекистонга олиб келмоқчиман.

Жуда бой тарих ва бетакрор гўзалликларга эга Ўзбекистонни қалбимда энгил ҳасрат, аммо яна қайтиш умиди билан тарқ этмоқдаман.

Менга нафақат меҳмондўстлик кўрсатган, балки ўз билими ва маданиятини мен билан баҳам кўрган барча инсонларга чин қалбимдан “Раҳмат!” дейман.

Малай тилида “Раҳмат” сўзи “Terima kasih” деб айтади ва у “Севгимизни қабул қилинг” деган маънони англатади. Мен ва Малайзия делегацияси номидан сизларга: “Севгимизни қабул қилинг!” деймиз.

Аллоҳ Ўзбекистон халқига исломнинг олтин даври меросини асраб-авайлаб, уни бутун дунё билан баҳам кўргани, буюк олимларинингизнинг илмий меросини сақлаб келаётгани учун барака ато этсин. Токи биз каби муслмон ёш авлодлари ислом цивилизациясининг буюклигини англаб, уни ўрганиши имконига эга бўлсин”.

## Ўзбек қизи – малай тили бўйича халқаро танлов фолиби

Тошкент давлат шарқшунослик университети талабаси, 20 ёшли Мадинабону Абдуллаева Халқаро малай тили бўйича Малайзия Бош вазири танлови фолиби бўлди.


Нуфузли халқаро мусобақада 21 давлатдан 174 нафар иштирокчи қатнашди. Танлов бир неча босқичда ўтказилиб, биринчи ва иккинчи саралаш босқичларидан сўнг 50 нафар энг кучли иштирокчи финал босқичига йўл олди. Улар орасида ҳамюртимиз М. Абдуллаева ҳам бор эди.

Хал қилувчи беллашув натижаларига кўра, Мадинабону барча рақиблирини ортада қолдириб, фахрли биринчи ўринни кўлга қиритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса Россия ҳамда Хитой вакилларига nasib этди.

Куала-Лумпур шаҳридаги Малайзия туризм марказида ўтказилган тантанали тақдирлаш маросимида фолибга турнир кубоги, 10 минг Малайзия ринггити (25 — 30 миллион сўм атрофида) миқдорида пул мукофоти ҳамда халқаро сертификат топширилди.

М. Абдуллаеванинг ушбу ютуғи Ўзбекистон учун катта аҳамиятга эга бўлиб, мамлакат вакиллариининг мазкур халқаро танловда туртинчи марта фолиб чиқиши сифатида тарихда қайд этилди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда юртимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Жанубий Шарқий Осиё мамлакатлари маданияти ва тилларини, хусусан, малай ҳамда индонез тилларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда юқори малакали мутахассислар тайёрлаш давлат



сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланган.

Ҳозирги кунда Тошкент давлат шарқшунослик университетида Жанубий Осиё тиллари ва адабиёти олий мактаби фаолият юритиб, малай ҳамда индонез тиллари мунтазам равишда ўқитилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Бухоро давлат университети ва Самарқанддаги “Ипак йўли” туризм ҳамда маданий мерос халқаро университетида ҳам ушбу тиллар бўйича таълим йўлга қўйилган.

Туризм соҳасидаги алоқаларнинг кенгайиши, айниқса, Малайзия ва Индонезиядан келаётган зиёрат туризми оқимининг ортиши учун йўналишга талабни янада кучайтирмоқда. Шу сабабли туризм, меҳмондўстлик ҳамда таржимонлик соҳалари учун малай ва индонез тиллари бўйича 6 ойлик интенсив курслар ташкил қилинган.

Келгусида ушбу тажрибани мамлакатнинг бошқа худудларида ҳам, хусусан, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида кенг жорий этиш ва доимий амал қиладиган тизимга айлантириш режалаштирилмоқда.

«Дунё» АА. Куала-Лумпур

## Хушхабар

### БУХОРОДА ҚИЗИЛ ЖЕНЬШЕНЬ ЕТИШТИРИЛМОҚДА

Бухоро давлат тиббиёт институти иссиқхоналарида дунёнинг турли гўшаларида ўсувчи 20 дан зиёд турдаги ноёб доривор ўсимликлар, жумладан, қизил женьшень парваришланмоқда. Воҳада илк бор ҳужайра биотехнологияси асосида етиштирилаётган қизил женьшень энг ноёб ва қимматбаҳо доривор тиббиёт билан халқ табиотида жуда қадрланади.



— Бу борада Жанубий Кореянинг “Daegu Naany” университети билан ҳамкорлик қилинапти, — дейди институт ректори, тиббиёт фанлари доктори Шухрат Тешаев. — У инсон иммунитетини мустаҳкамлайди, организмда қон айланишини яхшилайди. Қондаги қанд миқдорини пасайтиради. Доривор ўсимлик чарқоқ билан курашда ҳам жуда асқатади. Ишчаникни оширади. Институтнинг умумий қийма-

Истам ИБРОҶИМОВ («Халқ сўзи»).

ти 1,2 миллион АҚШ доллари бўлган лаборатория комплекси таркибидagi иссиқхоналарда бир йилда турт бор қизил женьшень етиштириш имконияти мавжуд. Ҳисоб-китобга кўра, бу сарф-харажат доривор ўсимлигини қайта ишлаш эвазига икки йилда ўзини қоплайди. Институтда тегишли патент олинган

## КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

XXI аср — юксак технологиялар ва интеллектуал салоҳият даври. Замонавий, тезкор ва глобаллашган дунёда давлатнинг қудрати унинг табиий бойликлари, олтин захиралари билан бирга билими, креатив фикрлайдиган ва интеллектуал салоҳиятга эга янги авлоди билан ҳам белгиланади. Зеро, айнан ана шундай ёшлар рақамли икеллисийоти харакатга келтиривчи, юқори технологияларни яратувчи ва мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлигини таъминловчи асосий стратегик ресурс ҳисобланади.

### НУҚТА НАЗАР

Янги Ўзбекистон юртимиздаги миллионлаб ёшларнинг орзу ва интилишлари рўёбга чиқаётган улкан имкониятлар мамлакатидир.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 24 февраль куни пойтахтдаги Кўксарой қароргоҳида йигит-қизлар билан ўтказган навбатдаги очик мулоқоти мамлакат ёшлар сиёсатида янги даврни бошлаб берди, десак, айни ҳақиқат.

Самимий мулоқот давомида давлатимиз раҳбари юртимизда ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик ташаббуслари ва инновацион стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида тўхталди. Давлат органларининг навқирон авлод билан ишлаш тизимини тубдан ўзгартириш мақсадида барча вазирилик, идора ва ҳокимликларда ҳар ҳафтанинг пайшанба куни “Ёшлар куни” этиб белгилангани, шу куни раҳбарлар бевосита маҳалалар, мактаб ва техникумларга бориб, муаммоларга амалий ечим топиши зарурлиги айтилди. Шунингдек, учрашувда Тошкентда Жаҳон



ёшлар ҳаракати бoш қароргоҳини ташкил этиш, Самарқандда Ёш парламент аъзоларининг 12-глобал конференцияси, “Take Off” халқаро стартап саммити ҳамда 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасини юқори савияда ўтказиш каби муҳим ташаббуслар илгари сурилди. Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳаётага изчил татбиқ этилишини бир асрдик бой тарихга эга Самарқанд давлат тиббиёт университети мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, университетда ёшлар сиёсатини амалга ошириш бўйича тизимли ва изчил ишлар олиб берилмоқда. Таълим сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, талабаларни замонавий билимлар билан қуроллантириш, уларни илм-фан ва инновацияларга кенг жалб этиш устувор вазифа этиб белгиланган. “Ёшлар куни”нинг белгилани-

ши талабалар билан ишлашда янги ва самарали механизмга айланади. Ушбу кун доирасида очик мулоқот йўлга қўйилиб, йигит-қизларнинг муаммолари тингланмоқда, тақлиф ва ташаббуслари қўллаб-қувватланапти. Илмий-амалий семинарлар, давлат сўхбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда инновацион лойиҳалар тақдимотлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Юртбошимиз учрашувда таъкидлаганидек, Ўзбекистон нафақат билим олиш, балки инновацион соҳалар ва халқаро ҳамкорлик марказига айланиб бормоқда. Ҳақиқатан ҳам, жорий ўқув йилида университетда тахсил олаётган 16 мингдан кўп талаба-ёшларнинг 12 мингдан зиёди Ўзбекистон фуқаро-

“Давлатимиз раҳбарининг “Ёшларимиз дунё билан тиллашиши, халқаро тажрибаларни ўзлаштиришда ўз амалий ифодасини топмоқда. Хусусан, ўтган беш йил мобайнида жами 300 нафар талабамиз хорижий тилларни билиш бўйича халқаро сертификатларга эга бўлди, тизимли ислохотлар натижасида жорий йилининг ўтган вақтида эса бу кўрсаткич 250 нафарни ташкил этди.”

лари, 4 мингдан ортиғи эса (26 фоизи) хорижий, хусусан, АҚШ, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Туркия, Озарбайжон, Индонезия, Ҳиндистон, Покистон, Бирлашган Араб Амириклари, Филиппин, Тунис, Бангладеш, Афғонистон, Қозғоистон, Тожикистон, Туркменистон каби дав-

лат фуқароларидир. Бу эса, ўз навбатида, университетнинг халқаро таълим майдонидаги очик мулоқот йўлига қўйилиб, йигит-қизларнинг муаммолари тингланмоқда, тақлиф ва ташаббуслари қўллаб-қувватланапти. Илмий-амалий семинарлар, давлат сўхбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда инновацион лойиҳалар тақдимотлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Юртбошимиз учрашувда таъкидлаганидек, Ўзбекистон нафақат билим олиш, балки инновацион соҳалар ва халқаро ҳамкорлик марказига айланиб бормоқда. Ҳақиқатан ҳам, жорий ўқув йилида университетда тахсил олаётган 16 мингдан кўп талаба-ёшларнинг 12 мингдан зиёди Ўзбекистон фуқаро-

вафқиятли интеграциялашувига хизмат қилади. Давлатимиз раҳбарининг “Ёшларимиз дунё билан тиллашиши, халқаро тажрибаларни ўзлаштириш зарур”, деган стратегик кўрсатмаси университетда ўз амалий ифодасини топмоқда. Хусусан, ўтган беш

йил мобайнида жами 300 нафар талабамиз хорижий тилларни билиш бўйича халқаро сертификатларга эга бўлди, тизимли ислохотлар натижасида жорий йилининг ўтган вақтида эса бу кўрсаткич 250 нафарни ташкил этди.

Университет ёшларининг илм-фан ва амалиётга иштиёқини шундан ҳам билиш мумкинки, биргина жорий ўқув йилининг ўзида қатор талабаларимиз Президент стипендиати, Ислом Каримов номидаги, Ибн Сино номидаги давлат стипендиатларига айланмишди. Мингдан зиёд ёшларимиз халқаро ёш олимлар ҳамда инновацион лойиҳалар таловларида, “Startup” лойиҳалари, республика ва халқаро миқёсдаги фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида зафар кучиб, тиббиёт олийгоҳининг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлашга муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Ва бунда университетда фаолият кўрсатаётган 1 273 профессор-ўқитувчининг меҳнатлари беқиссиз ҳисобланади. Шунингдек, уларнинг 352 нафарини 35 ёшгача бўлган мутахассислар ташкил этади.

Энг муҳими, бундай кўрсаткичлар Янги Ўзбекистонда ёшлар сиёсати ва таълим сифати халқаро стандартлар даражасида эканлигига далолатдир.

Элдор ТАНГИРОВ, Самарқанд давлат тиббиёт университети Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори.

## 2030 йилга қадар чарм-пойабзал саноатида ишлаб чиқариш ҳажмини 12 триллион сўмга, экспортни 500 миллион долларга етказиш мақсад қилинган.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 23 209 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғо бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Гезетани ҳақидаги маълумотларни оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Тахририятга келган кўлемлар тақриб қилинмайди ва мазлифга қайтарилмайди.

Гезетанинг муҳри берилиши учун обунани расмийлаштарган ташкилот жаавобгар.

Гезетанинг компьютер терминал хизмати оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланган.

Гезетанинг полиграфик хизматлари сифати чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Н. Остонов.  
Мусаҳҳаб — С. Исломов.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.36 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6